

ВАҚФЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

Р.М.КЕНЖАБОЕВА,

Исломиунослик фанлари бўйича

фалсафа доктори (PhD)

Аннотация: Мақолада вақфларнинг шаклланиши ва ривожланиши, олтин даври ва таназзулга юз тутиши, аксар ислом дунёси мамлакатларида вақфлар мустамлака давридан сўнг олдинги ҳолига қайта олмагани ҳақда сўз юритилган.

Калит сўзлар: ислом ҳуқуқи, вақфлар, вақф мулки, авлодий вақфлар.

Вақфларнинг шаклланиш ва ривожланиш жараёнини шартли равишда 7 босқичга бўлиб ўрганиш мумкин: 1) Пайғамбарлик (нубувват) даври; 2) саҳобалар даври; 3) тобиъинлар ва табаъа тобиъинлар даври; 4) олтин давр (IX-XIV аср); 5) таназзулга юз тутта бошлаган давр (XV-XVI аср); 6) вақфларнинг кескин камайиши ёхуд тугатилиши даври (XVII-XIX аср); 7) вақфларнинг қайтадан жонланиш даври (XX-XXI аср).

Ислом ҳуқуқи тарихида илк қилинган вақф ҳақда баъзи манбаларда Расулуллоҳ (с.а.в.) номини, бошқа манбаларда эса Умар ибн Хаттоб исмини учратиш мумкин¹. Умар ибн Хаттобнинг ўз вақфини ёзиб қўйгани² эса Ислом ҳуқуқи тарихидаги илк ёзма вақфномадир. Манбаларда ислом тарихидаги биринчи вақф Расулуллоҳнинг Мухойриқ вафот этганда қилган вақфлари, деб тилга олинган ўринлар мавжуд. Ривоятларга кўра, Мухойриқ “Менга бирор кор-ҳол бўлса, мол-мулким Расулуллоҳникидир”, - деб васият қилган. Расулуллоҳ ўша мол-мулкни олиб садақа қилган. Бу воқеа Умарнинг вақфидан анча йиллар олдин юз берган. Шунинг учун Хассоф “Вақфлар” китобида “Исломда биринчи садақа Расулуллоҳнинг вақфларидир”, - деб қайд этган. Умар ҳижрий еттинчи йилда Расулуллоҳ Хайбардан қайтганидан сўнг ҳижрий саккизинчи йилда садақа қилган³. Расулуллоҳнинг Мадинадаги вақфларига тўхталадиган бўлсак, улардан бир гуруҳи саҳоба Мухойриқнинг Мадинадаги мулклари (улар етита девор – Аъвоф, Софийа, Дулол, Масийб, Барақиҳ, Ҳисний, Умму Иброҳим (Расулуллоҳнинг ўғли Иброҳим) боғидан иборат бўлган⁴), иккинчи гуруҳи эса

¹ Ибн Ҳажар Асқалоний. Фатҳу-л-Борий би-шарҳ Саҳиҳи-л-Бухорий. 5-жилд. – Дамашк: Дору-л-фикр нашриёти.– Б. 403; Муҳаммад ибн Али Шавканий. Нийл ал-автор шарҳ мунтако ал-ахёр. 6-жилд. 1-нашр. – Дамашк: Дору-л-фикр нашриёти, х. 1402. – Б. 26.

² Абу Бакр Муҳаммад ибн Исҳоқ ибн Ҳузайма. Саҳиҳи Ибн Ҳузайма. №2483 / тадқиқ этувчи: Муҳаммад Аъзамий. Ислом нашриёти.

³ Қр. Абу Бакр Аҳмад ибн Амр Шайбоний (Хассоф Ҳанафий). Аҳкому-л-вақф. – Қоҳира: Ас-сиқофату-л-динийя кутубхонаси, 1322. – Б. 4.

⁴ Қр. Абу Бакр Аҳмад ибн Амр Шайбоний (Хассоф Ҳанафий). Аҳкому-л-вақф. – Қоҳира: Ас-сиқофату-л-динийя кутубхонаси, 1322. – Б. 4.

Хайбар ва Фадак ерлари ҳамда шаҳарнинг баъзи қишлоқларидан иборат эди. Қайд этилишича, Расулуллоҳ Хайбарни фатҳ қилганида яҳудийлар омонлик тилаб, бунинг эвазига Фадакни у зотга беришган⁵. Расулуллоҳ (с.а.в.) ўз вақфларини бошқариш учун Абу Рофиъни нозир қилган. Абу Рофиъ у вақфдан бир йилга ўзи ва оиласи учун етарлисини олиб, қолганини мусулмонлар учун сарфлаган. Маълумотларга кўра, Али ибн Абу Толиб ҳам Расулуллоҳнинг баъзи вақф мулкларини бошқарган⁶.

Расулуллоҳ (с.а.в.) яшаган даврда кўплаб саҳобалар ўз мулкидан вақф қилишган. Улар қаторида Умар ибн Хаттобнинг юқорида тилга олинган Самғ боғи⁷, Усмон ибн Аффоннинг Мадинада сотиб олиб вақф қилган Румо қудуғи⁸, Холид ибн Валид вақф қилган қалқон, Зубайрнинг ўз уйининг бир қаватини ўғлига ва турмушга чиққунича бўлган муддатга қизига қилган вақфи⁹, Анаснинг Мадинада вақф қилган уйи, Фотима бинту Расулуллоҳнинг Ҳошим авлодларига ва Мутталиб авлодларига қилган вақфини санаб ўтишимиз мумкин. Тўрт халифа даврида масжидлар вақфи юқори чўққига кўтарилди. У даврда масжидлар халифаларга ва амирларга тегишли бўлиб, улар мазкур масжидларнинг имомлари эдилар. Умар ибн Хаттоб даврида масжидлар янада кўпайди. У масжидларни турли шаҳарларда қуришни амр қилди. У тайинлаган волийлардан бири Саъд ибн Абу Ваққос Куфа масжидини таъсис этишни амр қилди. Умар ибн Хаттоб Масжиди Ҳаромни кенгайтиришда ҳам бош-қош бўлган. Кейинчалик Усмон ибн Аффон ҳам Масжиди Ҳаромни кенгайтirdи, атрофдаги жуда кўп уйларни сотиб олди ва унинг таркибига киритди. Али ибн Абу Толиб ҳам турли минтақаларда кўплаб масжидлар қурдирди. Кенг оммага мўлжалланган оммавий вақфлар ҳам тўрт халифа даврида ниҳоятда ривожланган. Улардан йириклари уйлар, экин майдонлари, жанг учун қурол-аслаҳа, ҳайвон ва мол-мулклар, қудуқлар ва сув йўллари дир. Уйларни вақф қилиш, айниқса, оммавий тус олган эди. Вақф қилинган энг йирик экин майдонлари эса Умар ибн Хаттоб, Усмон ибн Аффон, Али ибн Абу Толиб ва Зубайр ибн Авомнинг қилган вақфларидир. Умар ибн Хаттоб Саъд ибн Абу Ваққосга Куфа аҳли учун дарё қозишни, Абу Мусо Ашъарийга эса Басра волийсилик чоғида шу шаҳар халқи учун дарё қозишни амр қилган.

Саҳобалар даврининг охирларида вақфлар масаласида турли қарама-қарши фикрлар ҳам илдиз отган. Кўпчилик, вақфларни, айниқса, авлодий вақфларни қизларни ўз улушларидан маҳрум қилишда бир баҳонага айланиб қолаётганидан

⁵Бу воқеа Имом Ибн Шибх Хасил ибн Хорижадан ривоят қилинган.

⁶ Имом Бухорий. “Ал-жомеъ ас-саҳиҳ”.

⁷ Абу Бақр Аҳмад ибн Амр Шайбоний (Хассоф Ҳанафий). Аҳком ал-вақф. – Қоҳира: Ас-сикофа ад-динийя кутубхонаси, 1322. – Б. 10.

⁸ Олтин силсила. Саҳиҳул Бухорий. 4-жилд. – Т.: “Hilol-Nashr” нашриёти, 2014, 2018. – Б. 4-5.

⁹ Олтин силсила. Саҳиҳул Бухорий. 4-жилд. – Т.: “Hilol-Nashr” нашриёти, 2014, 2018. – Б. 39.

ташвишда эканини билдирган. Хусусан, ривоятларда келишича, Оиша бинту Абу Бакр авлодий вақфларни қизларни ўз ҳаққидан маҳрум қилиш йўлида фойдаланилаётганидан ташвиш билдириб, уни Қуръони Каримнинг Анъом сураси 139-оят¹⁰идаги ҳолатга қиёслаган. Умар ибн Абдулазиз ўз халифалик даврида одамларнинг аёлларни ман этган садақа ва вақфларини вақф сифатида эътироф этилмаслигига доир фармон чиқаришни режалаштирган, аммо бу ишни амалга оширишга муваффақ бўлмай туриб оламдан ўтган. Умар ибн Абдулазизнинг қизлар ҳисобга олинмаган садақаларни рад этганини садақалар ҳам ўғилларга, ҳам қизларга қилиниши кераклигининг исботи, деб хулоса қилиш мумкин.

Ислом давлатчилиги тарихида уммавийлар даврига келиб вақфлар янги фатҳ этилган ўлкалар – Миср, Шом ва бошқа ҳудудлар бўйлаб кенг тарқалди. Бунга сабаб фатҳ қилинган ҳудудларнинг кенгайиши ва вақф соҳаларининг кўпайиши эди. Бу даврда вақфлар фаолияти фақат фақир ва мискинларни қўллаб-қувватлаш билан чекланиб қолмай, кўплаб илм масканлари (дору-л-улум) бунёд этиш, илм олувчиларга маблағлар ажратиш ҳамда масжид ва хайрия уйлари қуриш ишлари ҳам ривожланди. Инсонларнинг вақфларга жиддий эътибор қаратиши натижасида вақфларни назорат қилиш ҳамда яхшилаш ва ривожлантириш учун ҳайъатлар ташкил этилди. Вақфлар аввалига вақф қилувчилар ёки улар тайинлаган вакиллар томонидан идора этилган бўлса, энди вақфлар сони ва турининг кўпайиши натижасида баъзи идоралар вақфларга эътибор қарата бошлади. Қозилар вақфларни назорат қилар ва вақф нозирлари (мутаваллилар)ни ҳисоб-китоб қиларди, агар нозирларда бирор қусур ёки вақфларни сақлаш ва муҳофаза қилишда бирор қониқарсизлик аниқланса, уларни тўғрилашар ёки ишдан олишарди. Ҳишом ибн Абдулмалик замонида Мисрда қозилик қилган Тавба ибн Нимр ибн Ҳавмил Ҳадрабий (ваф. Ҳ. 120 й.) дейди: “Бу садақаларнинг ўрни фақат фақирлар ва мискинлардир. Шундай экан, уларни алдов ва меросдан асраш учун маҳкам тутишим керак”. Вақфлар масаласида ўта эҳтиёткор шахс бўлмиш Тавба ибн Нимр ҳаётлик чоғида унинг ташаббуси билан вақфлар учун қози назорати остида бошқа девонлардан ажратилган мустақил девон ташкил топди¹¹. Бу девон нафақат Мисрда, балки, бутун ислом оламида вақфларни назорат қилувчи илк девон эди. Ўша даврда вақфлар қозилар назорати остида фаолият юритиши одат тусига кирган эди¹².

¹⁰Қаранг: Қуръони Карим ва ўзбек тилидаги маънолари таржимаси / таржима ва тафсир муаллифи: Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. – Тошкент: “Нилол” нашриёт-матбааси, 2020. Анъом сураси, 139-оят. Маъноси: “Улар, мана шу чорваларнинг қорнидаги нарсалар эркакларимизга ҳалол, аёлларимизга ҳаром, дерлар...”

¹¹ Муҳаммад Амин. Ал-авфоқ ва-л-хайоту-л-ижтимоъийа би-Миср. 1-нашр. – Қоҳира: Дору-н-наҳдо, 1980. – Б. 48.

¹² Муҳаммад Шилбий. Аҳкому-л-васойо ва-л-авқоф. 4-нашр. – Байрут: Дору-л-жомиййя, х. 1402. – Б.288; Муҳаммад ибн Убайд Кубайсий. Аҳкому-л-вақф фи-ш-шарийъати-л-исломийя. 1-жилд. – Бағдод: Иршод нашриёти, х. 1397. – Б.38.

Аббосийлар даврида вақфлар ривожланишда давом этган. Бу пайтга келиб вақфлар фақат фақирлар, мискинлар ва илм олувчилар билан чекланиб қолмай, кутубхоналар ташкил этилди ва уларга маблағлар ажратилди, беморларга бепул хизмат кўрсатадиган шифохоналар қурилди, фақир ва мискинлар учун уй-жойлар қурилди. Шунингдек, бу даврда вақфлар идораси учун бош раҳбар тайинланган ва у вақфлар бошлиғи (садру-л-вуқуф) деб аталган. У барча вақфлар назоратини бошқарган ва бу ишни амалга ошириш учун ўзига хос ходимлар (аъёнлар) тайинлаган. Аббосий халифа Маъмун даврида унинг Мисрдаги қозиси Лаҳийъа ибн Аббос Ҳадрабий вақфларни назорат қилган. Бу давр қозилик девонидан алоҳида мустақил вақфлар девони ташкил этилишининг дастлабки босқичи эди¹³. Вақфлар доимо аббосий халифалар томонидан қўллаб-қувватлаб турилган. Ибн Касир ўзининг “Ал-бидоя ва-н-ниҳоя” китобида 631 хижрий йил воқеаларида зикр қилишича, ўша йили Бағдодда халифа Ал-Мустансир биллоҳ томонидан қурила бошлаган мадрасанинг қурилиши ниҳоясига етган. Бундай мадраса ҳеч қаерда бўлмаган. Мадрасада таълим олиш жараёнида суннийликдаги тўрт мазҳабга тегишли илм олувчиларнинг ҳар бирига бир хил, яъни тенг имконият яратилган. Ҳар бир мазҳабдан 62 нафардан фақиҳ, тўрт нафар ёрдамчи, ҳар бир мазҳабнинг мударриси, ҳадис устози, икки қори, 20 нафар тингловчи, тиббиёт устози ва тиббиёт билан шуғулланадиган 10 нафар мусулмон шахс, етим болалар учун махсус ўқув маскани мавжуд бўлган. У ерда барча учун етарли нон, гўшт, ҳолва ҳамда етарли нафақа бўлган¹⁴. Аббосийлар давлати заифлашганда Миср ва Шомда бир нечта мустақил давлатлар пайдо бўлган. Улардан бири Мисрдаги фотимийлар давлати бўлиб, бу ҳудудда ҳам вақфлар кўпайишда ва ривожланишда давом этган. Бу даврда ҳам вақфлар учун мустақил девон мавжуд бўлган. Бу девон оддий халқ ёки юқори лавозимдаги шахслар қилган вақфлар фаолиятини мувофиқлаштириш, харажатларини назорат қилиш ва бунда вақф қилувчининг шартларига риоя қилинишини назорат қилган¹⁵. Шунингдек, фотимийлар даврида баъзи ҳукмдорлар, хусусан Ал-Ҳоким биамриллаҳ вақфларга, айниқса, масжидлар ва хайрия муассасалари қурилишига катта эътибор қаратган. Фотимий вазирлардан Солиҳ Талоиъ ибн Зурайк ҳам ўз даврида кўплаб вақфлар ташкил қилган¹⁶. Мисрда айюбийлар даврида ҳам вақфлар сони ортиб борган. Бу давлат султонлари вақфлар учун махсус маблағлар ажратишган. Мисол тариқасида айтишимиз мумкинки, одил подшоҳ Нуриддин Маҳмуд ибн Занкий (ваф. ҳ. 569) ҳар бир ҳудудда кўп сонда

¹³ Мухаммад Амин. Ал-авфоқ ва-л-хайоту-л-ижтимоъийа би-Миср. 1-нашр. – Қоҳира: Дору-н-наҳдо, 1980. – Б. 52-54.

¹⁴ Исмоил Ибн Касир. Ал-Бидоя ва-н-ниҳоя. 13-жилд.– Байрут: Мактабату-л-маориф. – Б. 139.

¹⁵ Аҳмад ибн Али ал-Муқризий. Ал-хутоту-л-Муқризийа. 2-жилд. – Байрут: Дор ихёи-л-улум. – Б. 294; Мухаммад Амин. Ал-авфоқ ва-л-хайоти-л-ижтимоъийа би-Миср. 1-нашр. – Қоҳира: Дору-н-наҳдо, 1980. – Б. 52-54.

¹⁶ Аҳмад ибн Али ал-Муқризий. Ал-хутоту-л-Муқризийа. 2-жилд. – Байрут: Дор ихё ал-улум. – Б. 295.

мадраса ва хонақоҳлар қуришни амр қилган ва уларга кўплаб мол-мулкларни вақф қилган. У Дамашқда Дору-л-Ҳадис қурдирган ҳамда унга ва унда фаолият олиб боровчиларга кўплаб мол-мулк вақф қилган. Подшоҳ Нуриддин Маҳмуд ибн Занкий ислом тарихида илк ҳадис институти (дору-л-ҳадис)ни қурдирган подшоҳдир. У етимлар учун ҳам таълим масканлари қурдирган ҳамда у ерда етимлар ва уларнинг таълим олишлари учун катта миқдорда маблағлар ажратган, шунингдек, масжидлар қурдирган ва у ердаги Қуръон қорилари учун мол-мулклар вақф қилган. Айюбий ҳукмдорлардан Султон Салоҳиддин ҳам вақфларга жиддий эътибор қаратган. Салибчилар ҳижрий 564 йилда Мисрга ҳужум қилганида улар томонидан асир олинган мусулмонларни озод қилиш учун Булбайс шаҳрини вақф қилган. Бу вақф барча мусулмонлар озод қилингунча давом этган¹⁷. Салоҳиддиннинг вақфлари мамлакатдаги барча хайрия ишларини қамраб олган эди. Вақфларга султонлар томонидан эътибор қаратилиши ва вақфларнинг ривожланиши давом этиб келар экан, айюбийлар даврида подшоҳ Комил ҳукмронлик қилганда вақфлар девонида коррупция авж ола бошлади. Бунга сабаб вақфлар девонининг айрим гуруҳлар томонидан эгаллаб олиниши бўлди. Натижада, вақфлар хароб аҳволга келди. Айюбийлар даврида вақфларда юз берган коррупциянинг кўринишларидан бири вақфларга тегишли бўлган ҳудудларнинг катта маблағ эвазига ижарачиларга бериб юборилиши эди. Мамлуклар даврида ҳам вақфлар сони ва кўлами ортишда давом этди. Миср ва Шомнинг кўпгина ҳудудларида катта-катта ер майдонлари вақф қилинган эди. Бу вақфлар давлатнинг имомларга маош ва масжидларга тўловлар юқини камайтирар эди. Бора-бора вақфлар шу даражада бойиганки, ҳижрий 649 йилда давлат ўз эҳтиёжлари учун вақф бойликларидан қарз тариқасида пул олган¹⁸. Мамлуклар икки ҳарамни сақлаш ва муҳофаза қилиш учун ҳам катта миқдорда вақфлар ажратган. Йўллар ҳолатини яхшилаш, хавфсизлик, таъмир ва бошқалар бунга мисолдир. Фойдаси фақатгина икки ҳарам учун сарфланадиган жуда кўп сонли ва катта ҳажмли вақфлар мавжуд бўлган. Мисрдаги Мамлуклар ҳукмронлиги даврига оид тарихий қайдномалардан маълум бўлишича, вақфлар у даврда шу даражада ривожланганки, ҳокимлар вақфлар бошқарувига эгалик қилишни истаб қолган. Баъзи заиф уламо ва қозилар бу ишда уларга ёрдам беришган ва собиқ султонлар вақфларини олишга фатво беришган. Баъзида эса ҳокимлар фақиҳ ва қозиларга бориб ўтирмай, ўз истақларини амалга ошираверишган¹⁹. Шундай воқеалар ҳам сабаб бўлиб мазкур даврларда баъзи

¹⁷ Маносируддин ибн Фурот. Тарийху-д-дувал ва-л-мулк. 4-жилд. – Б. 23.

¹⁸ Ибн Тағаррий Бардий. Ан-нужуму-з-зоҳироҳ фимулук миср ва-л-қохироҳ. 7-жилд. – Б. 32.

¹⁹ Мухаммад Амин. Ал-авфоқ ва-л-хайоти-л-ижтимоъийа би-Миср. 1-нашр. – Қоҳира: Дор ан-наҳдо, 1980. – Б.322.

уламолар вақфларни инкор қила бошлади. Уларга мисол қилиб Изз ибн Абдус-Салом ва Имом Нававий номларини зикр қилиш мумкин.

Ҳижрий учинчи асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб ҳуқуқий жиҳатдан шаклланиб бўлган вақф институти салжуқийлар ва усмонийлар даврида ҳам ривожланишда давом этган. Бу даврларда барча хизматлар бевосита ёки билвосита шаклда вақфлар томонидан амалга оширилган. Салжуқийлар ҳукмронлигининг ривожланиши билан параллел равишда вақф институти ҳам ривожланишда давом этган. Кўп сонли масжид ва мадрасалар очилган. Ижтимоий ёрдам муассасалари сони ортган. Шифохоналар мисли кўрилмаган даражада кўпайган, уларнинг ҳар бирига тегишли йирик вақф мулклари мавжуд бўлган, табиблар ўз маошларини мазкур вақфлардан олишган²⁰.

Усмонийлар даврида шаҳарсозлик ишлари тўлиқ вақф тизими томонидан амалга оширилган²¹. Шаҳарсозлик ишларини амалга оширишда на давлатдан моддий кўмак, на халқдан солиқ олинган²². Таълим, тиббиёт, ижтимоий кўмак, шаҳарсозлик, сувсозлик ва бошқа барча соҳаларда вақфлар давлат кўмагисиз ва халқдан олинадиган йиғимларсиз юқори даражада хизмат кўрсатиш даражасига етган.

Ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида алоҳида минтақалар нуқтаи назаридан кўриб чиқадиган бўлсак, Бухородаги бугунги кунгача етиб келган илк вақф ҳужжатларидан бири XIII асрга оиддир. Бу ҳужжат XIII аср охирларида Бухоро-Самжон касабаси Ҳамина қишлоғидаги икки масжид ва Хожа Ҳамина мақбараси қаровида фойдаланиш учун ташкил этилган вақфга тегишлидир. Мазкур ҳужжатдан ўрин олган маълумотларга кўра, масжид ва мақбара учун тўқиш дастгоҳлари, тегирмон, уй ва бошқа кўчмас мулклар вақф қилинган²³. Бухоро вақфига оид илк ҳужжатлардан яна бири XIV аср бошларида Бухоро яқинидаги Фатҳобод мавзесидаги Шайх Сайфиддин Боҳарзий мақбараси, хонақоҳ ва ҳаммомга оиддир²⁴. Бухорода вақфлар энг кўп ривожланган давр Абдуллоҳ хон(1533-1598)нинг Бухорони 1557 йилда Шайбонийларнинг пойтахтига айлантирган вақтига тўғри келади. Бу даврда Бухоро ва унинг атрофларида кўплаб диний, ижтимоий ва маданий мақсаддаги вақфлар қурилган²⁵.

Самарқандда вақфлар энг ривожланган давр эса Темур ва темурийлар ҳукм сурган асрларга тўғри келади. XIV-XVI асрларда Самарқанд минтақанинг сиёсий, диний ва маданий марказига айланган ва бу шаҳарда кўплаб вақфлар

²⁰ O.Turan. Türkiye Selçukluları Hakkında Resmi Vesikalar. – Ankara: 1988. – Б. 51.

²¹ O.Ergin. Türk İmar Tarihinde Vakıflar Belediyeler Patrikhaneler. - İstanbul, 1944. – Б. 35.

²² A.Ertem. Osmanlıdan günümüze vakıflar. - İstanbul: Divan Dergisi Bilim ve Sanat Vakfı Yayınları, sayı 6, 1999. – Б.13.

²³ Арендса А. К., Халидова А. Б., Чехович О. Д. Бухарский вакуф XIII. в. Факсимиле, изданне тексте, перевод с арабского и персидского, введение и комменарий. – Москва. 1979.

²⁴ Чехович О.Д., Бухарские документы XIVв. – Ташкент, 1965.

²⁵ Erşahin S. Sovyetlerin vakıf politikası ve Türkistan'da vakıfların kamulaştırılması. –Б. 132.

курулган²⁶. Темурийлар даврида Нақшбандия шайхларининг йирик намояндасидан бўлмиш Хожа Аҳрор Валий (1404-1490) ва авлодлари атрофида йирик вақфлар ташкил топган. Бу вақф ҳужжатлари айна пайтда Самарқанд ва унинг атрофидаги қишлоқ ва шаҳар ҳаёти ҳақда маълумот беради²⁷. Узоқ йиллар давомида Хоразмда ҳукмрон бўлган Хива Хонлигининг пойтахти бўлмиш Хива шаҳри ҳам вақф жиҳатдан ривожланган ҳудуддир.

Туркистон XIX аср иккинчи ярмида чор ҳукумати кўлига ўтгач, бошқа диний ташкилотлар қаторида вақфлар масаласи ҳам қайта кўриб чиқилад бошлади. Ўрта Осиёнинг катта қисмини бошқаруви остига олган К.П.Кауфман 1867 йилда “Туркистон вилоятини бошқариш тўғрисидаги низом”ни чиқарди. Бу низомда “Туркистон вилоятининг вақф мулкларини бошқариш” тўғрисидаги бўлим мавжуд эди. Шундай қилиб Туркистон вақфлари руслар назоратига ўта бошлади. Мустамлака сиёсатининг вақфларни тортиб олишга бўлган иштиёқи йигирма йилга яқин вақт ўтиб янада ортди. 1886 йилдаги “Туркистон вилоятини бошқариш тўғрисидаги низом”нинг 265, 266, 267 моддалари бевосита вақфлар масаласига қаратилди. Бу моддаларга кўра, халқ фойдаланаётган ва давлат мулки деб қабул қилинган вақф ерлари деҳқонларга берилишига қарор қилинди. Шу билан бирга янги вақфлар ташкил этиш фақатгина “алоҳида ҳолларда” алоҳида рухсат билан амалга ошишига қарор қилинди. Шу йўл билан вақф қуриш ҳам чегараланди. Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги ҳудудларида вақфлар Совет даври бошлангунга қадар олдинги мақомини сақлаб қолди.

Болшевиклар даврига келиб 1918 йил 23 январда “Черковни давлатдан ва мактабни черковдан ажратиш тўғрисида”ги қарор қабул қилинди. Бу қарорнинг 12 ва 13 моддаларида вақфларга тегишли қуйидаги моддалар мавжуд эди: “Ҳеч бир черков жамияти ва диний жамоат мулк эгаси бўла олмайди. Улар юридик шахс мақомидан маҳрумдир”²⁸; “Россиядаги мавжуд черков жамиятларининг ва диний жамоатларнинг мулки халқ мулки деб эълон қилинди” дейилган эди. Бу қарорга кўра диний ташкилотлар мулк эгаси бўла олмаслиги, уларга тегишли мулклар, хусусан, барча вақфлар халқ мулкига айлантирилиши кўзда тутилган эди.

Ер-сув ислоҳотининг бошланиши минтақа вақфлари учун энг катта йўқотишни бошлаб берди. Масалан, 1925 йил ноябрида Ўзбекистон КП Конгрессида тупроқ ислоҳотининг амалга татбиқ этилишига қарор қилинди. Шу қарорга биноан 1925 йил 19 декабрида чиқарилган 168 сонли қарор билан шаҳарлар ташқарисидаги боғлардан ташқари барча вақфлар Қишлоқ хўжалиги

²⁶ Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. – Тошкент: 1994. – Б. 27.

²⁷Чехович О.Д. Самарқандские документы XV–XVI вв. (О владениях Ходжи Ахрара в Средней Азии и Афганистане). – Москва: 1974.

²⁸ ЎРФК ва “Диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонунида эса бунинг акси қайд этилган.

халқ комиссарлигига берилди. Боғлар диний жамоатлар ихтиёрида қолдирилди. Қисқа вақт ўтиб, шаҳардаги вақфлар ҳам мусодара қилиниб даромадлари Маориф халқ комиссарлигига берилди. Фақатгина масжидларнинг вақфларидан имом ва муаззинларга улуш ажратилишига рухсат берилди. Шундай қилиб бу даврга келиб фақат масжидлар вақфлари қолди. ва Халқ Комиссарлари Советининг ... август 1927 йилдаги қарори билан Бош вақф идораси тугатилди ва диний вақфлар ҳам халқ мулкига айлантирилди. Бу қарорда бундай дейилган эди: “Ушбу қарор чиқишидан аввал мавжуд бўлган вақф идоралари томонидан бошқарилган диний вақф мулклари ҳам ҳукумат мулклари деб қабул қилинсин ва Маориф халқ комиссарлиги ихтиёрига ўтказилсин”. Шундай бўлсада 1920 йиллар охирларига қадар вақфлар бутунлай давлат ихтиёрига ўтказилмади. 1930 йилга келиб эса Москвадаги марказий ҳукумат ерсиз аҳолига ер бериш ваъдаси билан қолган вақфларни ҳам халқ мулкига айлантирганини эълон қилди.

Вақфларнинг шу ва шунга ўхшаш тарзда тугатилиши ислом маданияти ривожланган кўпгина мамлакатларга хосдир. Миср, Ливан, Жазоир каби давлатлар бунга мисолдир. Туркияда бу иш амалга ошмаган бўлсада вақф номи ўзгартирилиб бир муддат таъсис номи билан юритилган. Мусулмон жамиятларнинг мустамлака қилиниши оқибатида давлатлар иқтисодиёти, таълим ва соғлиқни сақлаш тизимида катта молиявий рол ўйнаган вақфлар мақсадли ва тизимли равишда заифлаштирилган ва йўқ қилинган. Афсуски, юқори даражада вақф маданияти ва иқтисодий салоҳиятига эга бўлган давлатларнинг аксари вақфлар фаолияти борасида ҳали ҳам ўзининг олдинги даражасига қайта эриша олмади.